



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2012 йил 5 сентябрь, № 174 (5594)

Чоршанба

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2012 йил 6-7 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади.

Учрашув ва музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Ташриф якунлари буйича Қўшма баёнотни қабул қилиш, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

## Ўзбекистон — Қозоғистон: Самарали ҳамкорлик кўлами кенгайди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2012 йил 6-7 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлади. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган йилги йил мобайнида икки давлат раҳбарлари икки томонлама саммитлар доирасида 13 мартаба учрашув ўтказдилар. Икки томонлама, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралари амалий ҳамда ишчан фикр алмашув руҳида ўтади.

ликаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома стратегик шерикликнинг ривожланиши ва мустақиллигини белгилаб берадиган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Хар бир давлат манфаатларига риоя этиш, ўзаро ҳурмат ва ҳар икки мамлакат учун мақбул қарорларни қидиришга асосланган ўзаро муносабатлар қурилиши, шубҳасиз, амалий фаолликни ривожлантириш ишига кўмаклашди. Масалан, 2011 йил якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама савдо ҳажми 2,7 миллиард АҚШ долларидан зиёднинг ташкил қилди. Бу рақамлар Қозоғистоннинг Ўзбекистон учун ўз кўлами жиҳатидан иккинчи иқтисодий шерик эканлигини аниқлатади.

(Давоми 2-бетда).

Икки дўст мамлакатлар Президентларининг бундай тез-тез ва самарали мулоқотлари бутун Марказий Осиё минтақасининг иқтисодий гуллаб-яшнаши ҳамда унинг аҳолиси турмуш тарзи даражасининг юксалиши йўлида ҳар икки давлат салоҳияти ва саясий ҳаракатлари бирлаштиришга имкон берадиган бугунги интеграция жараёнида Ўзбекистон ҳамда

Қозоғистоннинг тутган ўрни билан боғланган.

Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган самарали ва конструктив ҳамкорлик йиллари мобайнида ҳаётнинг барча соҳаларида икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солишдан 150 дан зиёд ҳужжат имзоланди. 1998 йилнинг октябрида Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Респуб-

### Эътироф

Ўзбекистон Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Миллий бонда бўлиб ўтган гўзал байрам тантаналари кўп сонли иштирокчилар қаторида юртимизда аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини ҳам бефарқ қолдирмади.

Улар Ўзбекистон халқига ўзларининг самимий қўтловларини изҳор этишар экан, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар том маънодаги суверен, гуллаб-яшнаган давлат қурилиши йўлида катта муваффақиятларга эришиш ҳамда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш имконини берганини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН: БАҲАРАДОРЛИК, ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг раҳбарлари нигоҳида

Латвия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси, Тошкентдаги дипломатия корпусининг дуайени Игорс Апокинс:

— Ўзбек халқини улуг байрам билан чин қалбимдан муборакбод этар эканман, фаровонлик ва бардавом тараққиёт тилайман.

Мамлакат эришган муваффақиятларга, ижтимоий-иқтисодий соҳа ҳамда фуқаролик жамияти қурилишидаги кенг кўламли ислохотларнинг натижаларига баҳо бераганимиз, бугун юртингизда истиқомат қиладиган ҳар бир киши мустақил Ўзбекистоннинг фуқароси эканлиги билан фахрланаётгани ва юртининг янада гуллаб-яшнаши учун бутун куч-гайратини бахшида қилишга тайёрлигини қайд этишни истар эдим.

Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси Ануmula Гитеш Сарма:

— Мустақил тараққиёт йиллари давомида Ўзбекистон иқтисодиёт жаҳҳосида, ижтимоий ва маданий соҳаларда улкан натижаларни қўлга киритди, мамлакат халқаро ҳамжамиятга тобора фаол интеграциялашмоқда. Ҳиндистон томони Ўзбекистондаги барча соҳаларда ҳаётга татбиқ эти-

лаётган кенг кўламли ислохотларни катта қизиқиш билан кузатиб боради.

Мамлакатларимизнинг яқин дўстона алоқалари ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги умумий тарихий-маданий мероснинг мустақам заминига асосланган. Мен давлатининг дунё цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини жуда юқори баҳолайман.

Шуни қайд этиш жоизки, Ватанингизни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар қалбларимизни тўлқинлантиради, эзгули ва яратувчанликка даъват этади ҳамда кишига комил ишонч ва куч бағишлайди.

Грузиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси Георгий Кўлашвили:

— Энг аввало, ўз номимдан ва барча грузин халқи номидан мамлакатингизнинг энг улуг байрами — Мустақиллик кунини муносабати билан Ўзбекистон халқига самимий қўтловларимизни йўллашдан бениҳоя мамнунман. Шунинг тасдиқлашнинг истар эдимки, биз, Грузия фуқаролари ушбу байрам қувончини сизлар билан баҳам кўрамай ва ўзбек халқига ҳамма мусаффо осмон, каттадан-катта муваффақиятлар, янада гуллаб-яшнаш ва кўзлаган барча мақсадларига эришишларини тилаймиз.

(Давоми 3-бетда).



## Муаззам, мунаввар, улугвор

Юртимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига бугун ана шундай таъриф берилаяпти.

Инсон учун тинчликдан азиз неъмат йўқ, аслида. Бироқ яна бир эзгулик борки, усиз пок ниятлар рўёбга чиқмайди, одам том маънода ўзини бахтлиман, деб айтолмайди. Бу Истиқлол, деб аталмиш улуглик, қадр-қиммат, ор-номус, фахр ва ифтихордир.

### Фахр

Зеро, мустақиллик туфайли азалий қадриятларимиз тикланиб, аждодлардан қолган бебаҳо меросимиз қалбимизни обод қилди, тафаккуримизни чархлади, истеъдодимизни уйғотди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботлади.

Мустақиллик ер ости ва ер усти бойликларимизга эгалик қилиш, мустақил ҳаётга дадил кириб келаётган ёшларимизнинг беқиёс салоҳияти ҳамда орзу-интилишларини рўёбга чиқариш учун улкан имкониятларни яратди. Буюк аждодларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, муқаддас қадамжолар обод қилинди. Маънавий ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, мақсадлари ўзгарди. Хар бир масканда улугвор бунёдкорликлар амалга оширилди.

Юртбошимиз ташаббуси ва саясий-ҳаракатлари билан Бош майдонимизда бунёд этилган ҳар бир иншоот, ҳар бир монумент ўзига хос рамзий маънога эга. Мазкур майдонга давлатимиз раҳбари таклифи билан “Мустақиллик майдони” номи берилиши бежиз эмас. Чунотки, бу ерда Истиклолимизнинг дастлабки йилида халқимиз ҳур ва овоз кунларга етиб келганининг тимсоли сифатида бунёд этилган Мустақиллик монументи, чин маънода, юртимизнинг дунё билан бўйлашаётганлиги, Ўзбекистон дунё тақдирига бефарқ эмаслиги, она-заминимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши учун дахлдорлик туйғуси билан яшаётганига ишорадир.

— Хар гал энг муқаддас ва мўътабар масканларимиздан бири — Мустақиллик майдонига қадам қўйганда, қувончдан энтикиб кетаман, — дейди

Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Зиёдулла Санаев. — Бу табаррук гўшанинг гўзаллиги, файзу таровати, бетакрор меъморий ечими,

шубҳасиз, ҳар қандай одамни ўзига мафтун этади. Шу билан бирга, бунёдкор халқимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, обод ва фаровон турмушимиз, порлоқ истиқболимиз рамзи сифатида ҳам намоён бўлади. Юртбошимиз бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ, пойтахтимиз мар-

казида жойлашган ушбу майдон нафақат ташки кўриниши, балки мазмун-моҳияти билан ҳам янги қиёфа касб этди. У ота-бобларимиз орзиқиб кутган энг улуг, энг азиз неъмат — Истиклолимиз тимсоли сифатида улугворлик касб этиб турибди. Шунинг учун ҳам бу майдонга меҳримиз, хурматимиз чексиз.

(Давоми 4-бетда).



## Суд соҳасидаги юқори малакали кадрларни тайёрлаш — давр талаби

Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунлариданоқ замонавий талаблар ва умумэтироф этилган халқаро тамойилларга мос меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантиришга киришди. Ушбу жараёнда суд-ҳуқуқ соҳасида ҳаётга татбиқ этилган ўзгариш ва янгиланиш алоҳида ўрин тутди.

### Муносабат

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон суд тизимида одил судлов ва мамлакатимиз жиноий қонунчилигини либераллаштиришни талаб даражасида амалга оширишга қодир бўлган, мустақил суд ҳокими яташаклланишини таъминловчи чурк ва сифатли ўзгаришлар рўй берди. Суд-ҳуқуқ ислохотлари натижалари бугун халқаро ҳамжамият эътирофи сазовор бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ти-

зими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши адолатли ва инсонпарвар суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш буйича қаратилган эътиборнинг наватдаги тасдиғи бўлди. Мазкур Фармон суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва ўрнини янада оширишни таъминлаш, мустақил суд иш юритиши учун ҳуқуқий ва ижтимоий кафо-

латларни кучайтириш, суд органлари ходимларини ижтимоий химоя қилишга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу Фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, суд органлари мустақиллигига оид БМТнинг Асосий принциплари меъёрларини амалга оширишга ҳам қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 4 сентябрь кунини Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон қўшма комиссиясининг наватдаги мажлиси бўлиб ўтди.

## Қўшма комиссия мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Туркменистон савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Маҳлисада икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, sanoat, ёқилғи-энергетика, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, фан ва технология, соғлиқни сақлаш, боғжона, маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари қатнашди. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, комиссия ҳамраиси Элёр Фаниев мамла-

катларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, яхши қўшничилик тамойиллари асосида изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб ҳизмат қиладиганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Бу ўзаро савдототик фаолашаётгани мисолида аққол намоён бўлмоқда. Сўнги тўрт йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тўрт баробардан зиёдроқ ошди. Жорий йилнинг январь — июнь ойларида бу борадаги кўрсаткич 197 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

## САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Шу йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича “Навий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан умумий қиймати

25,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мазкур sanoat ҳудудига хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилган ҳолда, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб катта бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилгани, замонавий sanoat корхоналари ташкил этилгани туфайли ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.

Ўзбекистон — Қозоғистон:

Самарали ҳамкорлик кўлами кенгаяди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қозоғистонлик сармоядорлар ишти- рокидаги 178 та корхона фаолият кўрсатмоқда...

Икки давлат муносабатларида академик ва эксперт доиралари вакилларининг ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутаяди...

Жорий йил 23 август куни Тошкентда бўлиб ўтган "Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг 20 йиллик ўзаро манфаатли ҳамкорлиги: тарих, бугун ва истиқбол" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияни самарали ҳамкорликнинг намунаси сифатида ёдга олиш мумкин...

Ҳар икки давлат маданий-гуманитар соҳадаги икки томонлама ҳамкорликнинг кўллаб-қувватлиши ва ривожланишига кўмаклашмоқда...

ярмаркаларида қатнашишади, шунингдек, мусиқа ва театр жамоаларининг гастроль сафарлари амалда оширилмоқда...

Ўзбекистон ва Қозоғистон тарихий ватанидан ташқарида яшаётган ҳар бир халқ вакилларига нисбатан миллатлараро ҳамжиҳатлик ва хурматни таъминламоқда...

Ўзбекистонда қозоқ театрлари ва миллий-фольклор ансамбллари ижодий иш олиб бормоқда...

маданий маркази томонидан ёрдам кўрсатилди. Қорақалпоғистон давлат университетининг маданий марказлари очилган...

Шунингдек, Остона, Алмати ва мамлакатнинг бошқа тўққиз минтақасида ўзбек маданий марказлари очилган...

Икки мамлакат халқлари ўртасидаги тарихий ва маданий муштараклик, бири-бирини тўғри англаш ҳамда ўзаро ишончга асосланган дўстлик ва қардошлик ришталари Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ҳамда тинчлини таъминлайди...

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Қозоғистонга буюражак расмий ташрифига кўра аслик дўстлик, қардошлик ва яхши қўшнчилик тамойилларига асосланган самарали ҳамкорликнинг янада ривожланишида янги босқични бошлаб беради...

Насиба СОБИРОВА, «Жаҳон» АА.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди...

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Йиғилишда қайд этилганидек, мамлакатимизда аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш жойларида ишчи-ходимлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, фуқаролар саломатлигини тиклаш ва соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда...

Бугунги кунда Федерация тизимида 11 тармоқ, 14 ҳудудий қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари, 126 та вилоят, 668 та туман кенгаши, 49 та бирлашган қўмита, 33 минг 355 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда...

Тадбирда "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафо-

Меҳнат муҳофазаси ва қонунчилик

лавлари тўғрисида"ги Қонуннинг Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси томонидан изчил бажарилаётгани хусусида сўз юритилиб, айтиб ўтилди...

да кўп болали ва кам таъминланган, ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳнат қўлаётган 159 нафар аёл қасаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштирилди...

Ўзбекистон — Вьетнам:

Дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланади

Вьетнамнинг Тошкентдаги элчихонасида мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Вьетнамнинг Фавкуллда ва муҳтор элчиси Ле Мань Луан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашув чоғида Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасидаги ҳамкорлик аънаваний дўстлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик тамойиллари асосида изчил ривожланиб келаятигани қайд этиди...

Бўлганини қайд этди. Ле Мань Луаннинг маълум қилишича, жорий йили Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Вьетнам — Ўзбекистон ҳукуматлараро комиссиясининг олтинчи йиғилишини Хошимин шаҳрида, икки мамлакат ташқи сийосат маҳкамалари ўртасидаги сийосий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги раундининг Ханой шаҳрида ўтказиш режалаштирилмоқда...



Янги корхона маҳсулотлари — экспортга

Мамлакатимиз саноатчилари Мустақиллигимизнинг кутлуг 21 йиллигини муносиб байрам тўғрисида қарши олишди. Гап шундаки, Навоий шаҳрида энг улуг, энг азиз айём шодиёналари арафасида "Uz-Kor Silicon" ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилди.

Тўхта

Мақсуд саноат мажмуасига "Ўзимёсаноат" давлат-акциядорлик компаниясининг 2012 йилги Инвестиция дастурига киритилган "Техник кремний ишлаб чиқаришни ташкил қилиш" лойиҳаси доирасида асос солинди...



Ушбу тадбирлар чоғида давлатларимиз ўртасидаги йиғирма йиллик ўзаро ҳамкорликнинг натижаларига назар ташлашни баробарида, уларни янада ривожлантиришнинг истиқболлари белгилаб олинди...

Ўн замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган ушбу корхона йилгига 12 минг тонна техник кремний ва 6,1 минг тонна микрокремнезем ишлаб чиқариш қувватига эга...

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Хорижий тажриба кўрсатишича, ривожланган демократик давлатлар қонунчилигида судьялар лавозими талабдорларни танлашнинг усули ва мезонлари, суд кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари аниқ белгиланган...

суда таклифлар тайёрлаш белгиланган. Бу шунга кўрсатадики, илк бор судьяликка тайинланган (сайланган) судьялар нафақат тегишли расмий талабларга (масалан, ёши, иш стаж) мос бўлади...

цияларни қўллаган тарзда ўтказилади. Бундан ташқари, ўқув-услубий, илмий тадқиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида Марказ хорижий ўқув муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилган алоҳида аҳамият қаратайтири...

Ҳозирги вақтда давлатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар кўпгина соҳаларда барқарор ривож топмоқда. Президент Ислам Каримовнинг 1996 йили Вьетнамга амалга оширган ташриф чоғида икки мамлакат ўзаро ҳамкорлигига замин қўйилди...

"Дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллик санасини нишонлаш тадбирлари доирасида шу йил 6 сентябрдан 10 сентябрга қадар Тошкентда бўлиб ўтадиган "Вьетнам маданияти кунлари" мамлакатимиз халқи маданиятининг Ўзбекистон заминидagi ҳақиқий байрами сифатида ёдга қолади", деди элчи...

Мазкур саноат мажмуасига "Ўзимёсаноат" давлат-акциядорлик компаниясининг 2012 йилги Инвестиция дастурига киритилган "Техник кремний ишлаб чиқаришни ташкил қилиш" лойиҳаси доирасида асос солинди...

Ушбу тадбирлар чоғида давлатларимиз ўртасидаги йиғирма йиллик ўзаро ҳамкорликнинг натижаларига назар ташлашни баробарида, уларни янада ривожлантиришнинг истиқболлари белгилаб олинди...

Ўн замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган ушбу корхона йилгига 12 минг тонна техник кремний ва 6,1 минг тонна микрокремнезем ишлаб чиқариш қувватига эга...

Бундай муносабат тажрибали судья мутахассислари тайёрлашга, шунингдек, адолатли судни таъминлашга кенг йўл очади. Шу маънода, қайд этиш жоизки, Президентимиз Фармониغا мувофиқ, илк бор судья лавозимига тайинланган (сайланган) шахслар Адлия вазирлиги хузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида мажбурий тайёргарлик ва стажировкадан ўттишини назарда тутидан амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғри-

қадар тегишли расмий талабларга (масалан, ёши, иш стаж) мос бўлади, балки Марказда мажбурий тайёргарлик жараёнида судьялик фаолияти бўйича ўз билим ва қобилиятини намоён этади...

Таъкидлаш лозимки, бугун судьяларнинг ўзи марказимизда малака оширишга қизиқиш билдирмоқдалар. Бу, авваламбор, суд тизимини ислоҳ қилиш шароитида замонавий юридик кадрларга қўйилган талаблар кенгайиб бораётганидан далолатдир...

Вьетнам томони қимматли, пахтачилик, нанотехнологиялар, энергетика сингари тармоқлардаги ҳамкорликни кенгайтиришга катта қизиқиш билдиргани ҳолда икки мамлакат олий ўқув юрталари, илмий тадқиқот институтлари ва академик доиралари ўртасидаги яқин алоқаларни фаоллаштириш ташаббусини илгари сурмоқда...

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон давлат консерваториясида вьетнамлик санъат усталарининг катта концерти бўлиб ўтади. Унда қирқ нафарга яқин мусиқа ва рақс санъати вакиллари ўз маҳоратларини намоён этишади...

Қўшма комиссия мажлиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон қўшма комиссияси мунтазам равишда мажлислар ўтказиб, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш ва ривожлантириш масалаларига доимий эътибор қаратиб келмоқда...

маданий тадбирларни ўз ичига олган. Илмий-технологик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим эса энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳалардаги муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилаётди...

Анжуманда, шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий ақинлик, аънавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга...

қўшма комиссияси мажлисида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасида ҳамкорликда иш олиб бораёямиз. Савдо-иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бораётганини қайд этиш лозим...

қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасида ҳамкорликда иш олиб бораёямиз. Савдо-иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бораётганини қайд этиш лозим...

анжуманларда қатнашиши давлатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорлик тобора кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир...

«Жаҳон» АА.

«Жаҳон» АА.

«Жаҳон» АА.

«Жаҳон» АА.

«Жаҳон» АА.

«Жаҳон» АА.

«Жаҳон» АА.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Мустақиллик куни байрамнинг шодийоналарида тўртинчи мартаба иштирок этмокдаман. Ўзбекистонлик дўстларим билан бу улуг байрамни биргаликда нишонлаш, уларнинг хурсандчилигига шерик бўлиш учун ушбу санани мен доим интиқилиш билан кутаман. Бу ерда одамларнинг ўз Ватани билан фахрланишларини, уларнинг ўз келажагига ҳамда танланган тараққиёт йўлининг тўғрилигига комил ишонч билан қарашларини кузатиш жуда ёқимлидир. Шу кунларда Тошкентни ва бутун республикани чулғаб олган байрамона шуқу қалбларни қувонтиради, Ўзбекистонда ишлайдиган биз, дипломатларни халқларимизни янада яқинлаштириш, ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни рўйбга чиқаришимиз йўлида янада кўпроқ интиқилишимиз учун куч-қувват бағишлайди.

Грузия — Ўзбекистон ҳамкорлигининг ҳозирги ўсувчан ҳолати алоқаларимиз истикболда янада тараққий топишига бўлган ишончимизни ҳар томонлама асосламоқдаки, улар ҳамкорлигининг ёрқин намунаси бўлиб қолажак.

**Козогистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Борибай Жексембин:**

— Ушбу фурсатдан фойдаланиб, қардош Ўзбекистон халқига чин дилдан тинчлик-ҳотиржамлик, фаровонлик ва янада гуллаб-яшнаши йўлидаги тилакларимни изхор этишни истар эдим. Биз мамлакатда "Мустақам оила йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни,

жумладан, кўп болали ва ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан химоя қилиш, оилавий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, қишлоқларда замонавий уй-жойлар барпо этиш сингари кенг қамровли чора-тадбирларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётимиз.

кистонга бардавом ва изчил тараққиёт йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

**Сингапур Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Зулкифли бин Баҳоруддин:**  
— Ўзбекистон Мустақиллигининг

муסיқалар ва анъанавий рақсларнинг ижро этилиши йиғилганлардан ҳеч бирини эътиборсиз қолдирмади. Ниҳоятда гўзал саҳна кўринишларида самимий шоду хуррамлик ва эртанги кунга нисбатан ишонч сезилиб турди. Тарихан қисқа муддат мобайнида ҳаётнинг барча соҳаларида улкан за-

ва "Ангрен" махсус индустриал зонасининг фаолияти ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Мустақиллик куни муносабати билан ташкил этилган байрам тантаналарида Ўзбекистоннинг барча худудларидан келган вакиллар қатнашиб, улар йиғилганларга ҳар бир минтақанинг

мавжуддирки, улардан аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланиш турли йўналишлардаги ҳамкорлик кўрсаткичларини кўп мартаба ошириш учун имконият яратди.

Мен Мустақиллик кунига бағишланган бундай тантанали маросимда илк бор иштирок этмокдаман. Байрам дастурининг яхши уюштирилгани, бу ерда ҳукм сураётган ижобий муҳит, саҳна безакларининг ранг-баранглиги, муסיқа ва рақсларни ижро этаётган ёшларнинг истеъдоди менда чуқур таассурот қолдирди.

**ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Иван Эспинал:**  
— Бугун Мустақиллик куни муносабати билан ўтказилган ушбу шуқули байрамда иштирок этишдан хурсанд бўлдим.

1993 йилдан буён ЮНЕСКО аъзоси бўлмиш Ўзбекистон замини нафақат тарихий ва мезморий обидалари, балки ўз тарихи, маданияти ва анъаналари билан ҳам дунёга машҳурдир. Ўзбек халқ хунарамандчилиги, санъати, бугун биз кўриб зақ олган муסיқа, рақслар юртингиз меросининг жонли тимсолидир.

ЮНЕСКО вакили сифатида бир неча йилдан буён Ўзбекистон, унинг шаҳар ва қишлоқлари ҳамда меҳмондўст халқи билан танишиш имкониятига эгаман. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатнинг тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш борасида оlib борилётган ва ижобий натижа берган ишлар юксак эътирофга лойиқдир.

«Жаҳон» АА.

# ЎЗБЕКИСТОН: БАРҚАРОРЛИК, ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Бугунги байрам концерти дастури ҳақида гапирар эканмиз, унинг ўзига хослиги, декорациялардаги оддий бўлмаган манзараларнинг кўплиги, либослар ва қўшиқлар репертуарининг ранг-баранглиги билан бизларни мафтун этди.

**Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги элчиси Абдурахмон Абдулла Ал Шайа:**

— Бутун Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни билан чин қалбидан табриклайман. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатингиз барча соҳаларда ҳайратланарли муваффақиятларга эришди. Хусусан, республиканинг томонидан миллий иқтисодиёт, таълим ва соғлиқни сақлаш жабҳаларининг мунтазам ҳамда барқарор ривожини таъминлашдаги уюштурули алоҳида таъкидлашни истардим.

Байрам муносабати билан Ўзбе-

21 йиллигига бағишланган тантанада қатнашиб ва ўзбек халқининг қувончини биргаликда баҳам кўришни ўзим учун катта шараф деб биламан. Бу тадбир халқнинг гурурини, унинг бой тарихи ва маданиятини акс эттирувчи улуг байрам, хурсандчилик ва келажакка ишонч туйғусини уйғутувчи маросимдир.

Президент Ислоом Каримовнинг сермазмун нутқи менда чуқур таассурот қолдирди. Давлат раҳбарининг табрик сўзи юксак ватанпарварлик хисси, ўз халқига нисбатан чуқур ишонч ва эришилган муваффақиятлардан фахрланиш туйғуси билан йўғрилган.

Байрам тантаналарининг юқори даражада ташкил этилгани ва тадбирнинг кенг қамровлилиги бошқа меҳмонлар каби мени ҳам ҳайратга солди. Қувонч ва шодийоналик муҳити миллийнинг келажакка мустақам ишончини намоян этди. Истеъдодли санъаткорлар томонидан миллий

фарларга эриша олган Ўзбекистонга, унинг халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилайман!

**Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Муҳаммад Мирон:**

— Фурсатдан фойдаланиб, дўст Ўзбекистон халқига Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан табрикларимни изхор этишга ижозат бергайсиз.

Ўтган қисқа давр мобайнида давлатингиз барча йўналишларда катта ютуқларга эришди. Айниқса, Ўзбекистонда иқтисодиёт ва сармоя жабҳаларининг ривожланиши менда чуқур таассурот қолдирди. Мамлакатингизда ташкил этилган ва асосан, юқори технологиялар санъатига хорижий сармояларни жалб қилиш учун соддалаштирилган тартиб ва рағбатлантирувчи шароитларга эга "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси

маданий ўзига хосликларини мужасамлаштирувчи концерт дастурларини тақдим этдилар. Бу, менинг фикримча, мамлакатингизнинг ранг-баранг маданий-маънавий меросидан баҳраманд бўлиш учун қулай имкониятдир.

**Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги дипломатия миссияси раҳбарининг ўринбосари Филип Коснетт:**

— АҚШ халқи ва раҳбарияти номидан Ўзбекистонни истиклолининг 21 йиллиги билан табриклайман. Ушбу кунда мамлакатингиз томонидан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда эришилган муваффақиятлар ҳақида эсламаслик мумкин эмас.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Америка ҳамкорлиги ривожланиб, йилдан-йилга мустақамланиб бораётганини қайд этиш алоҳида мамнуният бағишлайди. Мамлакатларимиз ўртасида ҳали ҳаётга татбиқ этилмаган имкониятлар

● Реклама ва эълонлар ●

**ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА**  
**«Ўзаэронавигация» маркази**  
Қарши туманида жойлашган Қарши АРТУФ базасининг ДПРМ-160да тўсиқ қуриш учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов эълон қилади.

- Савдо шакли** — танлов савдолари.
- Буюртмачи** — «Ўзаэронавигация» маркази.  
Манзил: 100167, Тошкент шаҳри, Локомотивная кўчаси, 13-уй.
- Танлов савдолари предмети** — Қарши туманида жойлашган Қарши АРТУФ базасининг ДПРМ-160да тўсиқ қуриш учун пудратчи ташкилотни танлаш.
- Қуриш жойи** — Қозикенти қишлоғи, «Ертепа» қишлоқ фуқаролар йиғини.
- Танлов савдолари қатнашчилари учун талаблар** — танловда ушбу иш тури бўйича тегишли лицензия ва талаб қилинган соҳада иш тажрибаси бўлган фирма ҳамда ташкилотлар қатнашиши мумкин. Тижорат тақлифлари берилганда, куйдаги қўшимча маълумотларни олиш ва танлов тақлифларини юбориш учун куйдаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:  
100167, Тошкент шаҳри, Локомотивная кўчаси, 13-уй, «Ўзаэронавигация» маркази, ЕИФ ва Э бўлими.  
Тел./факс: (+99871) 140-27-24 соат 8.00 дан 17.00 гача.  
E-mail: oenscuan@mail.ru
- Қўшимча маълумотлар олиш ва танлов тақлифларини юбориш учун куйдаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**  
Қарши шаҳри, Махтумқули кўчаси, 3-уй, «Қарши» аэропорти, АРТУФ базаси.  
Тел.: (8-375) 780-81-04 соат 8.00 дан 17.00 гача.  
E-mail: bertosqarshi@rambler.ru
- Танлов тақлифларини қабул қилиш муддати** — матбуотда эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 (ўттиз) тақвим кун ичиди.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**  
Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

**Савдога куйдаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

- Урта Чирчиқ тумани СИБ томонидан, 2012 йил 17 январдаги 11-1135/23118-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, Янгиҳаёт кўрғонига жойлашган бино ва иншоот.  
**Бошланғич баҳоси — 16 620 000 сўм.**
- Урта Чирчиқ тумани СИБ томонидан, 2012 йил 13 февралдаги 11-1117/21676-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, «Ангор» ҚФЙда жойлашган бино ва иншоот.  
**Бошланғич баҳоси — 187 500 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2012 йил 20 сентябрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтади.
- Савдога куйдаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**  
3. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан, 2011 йил 13 майдаги 11-1132/4055-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор кўрғони, Мустақиллик кўчасида жойлашган чойхона ва бостирма бинолар.  
**Бошланғич баҳоси — 223 300 000 сўм.**
- Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан, 7272-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Аваз Утар кўчасида жойлашган кўчмас мулк.  
**Бошланғич баҳоси — 485 000 000 сўм.**

5. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан, 7272-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 11-уйда жойлашган савдо дўкон.  
**Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2012 йил 5 октябрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 5 октябрь кун соат 11.00 да савдога сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 22 октябрь кун соат бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека-банк» АТИБ Шайхонтохур филиалидаги куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.  
Лицензия: RR-0052.

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**  
Ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.  
(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустақамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.  
Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 9 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.  
2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ**  
**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ**  
Давлат божхона қўмитасининг «НСУМ-3026» русумли рентген-сканер қурилмасига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича танлов эълон қилади.

Тақлифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган ҳолда алоҳида ёпиқ конвертларда ва устки қисмига «Давлат божхона қўмитасининг «НСУМ-3026» русумли рентген-сканер қурилмасига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича танловига» сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши шарт.

Тақлифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

Танлов бўйича тақлифлар оммавий ахборот воситаларига эълон жойлаштирилган кундан бошлаб, 30 кун муддатда қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун Сурхондарё вилояти божхона бошқармасига Термиз шаҳри, А. Икромов кўчаси, 286-уй манзили бўйича мурожаат қилиш мумкин.  
Телефонлар: (8-376) 225-13-51, (8-376) 225-26-05.

**«CHINOZ BALIQLARGA OMUKTA YEM TAYYORLASH KORXONASI» МЧЖ**  
сифатли хом ашёдан балиқлар ва қорамоллар учун ҳар бир ҳўжаликка алоҳида мос келувчи рецепт асосида оқсилга бой донатор омихта ем ишлаб чиқаради.

Хўжаликдаги балиқ, қорамол ҳамда паррандани тўлиқ рақсонли, донатор омихта ем билан боқиб олинадиган маҳсулот ҳажмини 25 — 30%га оширади, емайш муддатини, маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатни, маҳсулот таннархини қисқартиради, қилинган меҳнат самарадорлигини, маҳсулот сифатини оширади.

Бизнинг манзил: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Гулзообод» ҚФЙ.  
Телефонлар: (+99893) 577-86-94, (+99894) 660-48-28, (+99871) 215-51-52. Факс: (+99871) 233-18-12.

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**  
Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 11 майдаги ҳал қилув қарорига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Р. Назирова кўчаси, 30-уйда жойлашган, «Фараз» ЛТД ҚҚга тегишли, умумий майдони 3523,35 кв.м. бўлган, 2 та омирхона, бостирма, маълумий бино, қоровул хоналардан иборат, таъмирталмаб, қаровсиз ахволда қолган кўчмас мулк бино-иншоотлари арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 516 546 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2012 йил 21 сентябрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат

13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати — 2012 йил 19 сентябрь кун соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.  
Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайт: www.1kms.uz  
Лицензия: RR-0001.

**ТАРОЗИЛАР**  
0,0001 гр.дан 250 тоннагача

**Micros**  
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

**CAS**  
Корпорацияси (Жануби Корея)

**МАССА-К**  
Анализатори ва вақити

**ЧЕГИРМАЛАР 20% ГАЧА**

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соби. Глинка кўчаси, шаҳар ГАИси аввалги биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

# Муаззам, мунаввар, улугвор



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2005 йилнинг 28 декабрида давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, янгитдан қад ростлаган монумент пойига гул қўйди. Бу ерда икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган мажмуага "Мустақиллик ва эзгулик монументи" деб ном беришни таклиф этди.

— Мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бири-бирдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. — Негаки, она сиймоси биз учун ҳамisha меҳрибонлик, фидойилик, эзгуликнинг ёрқин

тимсоли бўлиб келган. Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг "Мустақам оила йили" деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужассам, десак, янгилишмаймиз. Бугун янги оила кураётган минглаб ёш йигит-қизлар Бош майдонимиздаги Эзгулик аркасидан ўтиб, оқ пойандоз шаклидаги кенг йўлакдан юриб, маъмур монумент пойига келар эканлар, Бахтиёр она сиймосида ўзларининг беғубор, пок орзулари рўёбини кўргандек бўладилар.

Мустақиллик майдонига қадам қўйган ҳар бир юртдошимиз бу эзгу маскан бағрида яна бир қарра бугунги ёруғ кунларимиз, тинч

ва оқойишта ҳаётимиз кадри ҳақида фикр юритади, қалбида шукроналик, фахр-ифтихор туйғулари жўш уради. Атрофга хуш-ҳаво бахш этиб турган фавворалар, ям-яшил дарҳат ва майсалар эса кайфиятингни кўтариб, бахридиллигини очади.

Дарҳақиқат, аввало, бу ерга қадам ранжида қилган навқирон авлод юрт мустақиллигини асраш, озодлигини ҳимоя қилиш ўзларининг муқаддас бурчи эканлигини теранроқ англашади. Уларнинг қалбидан мустақиллик туфайли мана шундай улуг масканга эга бўлди, деган ўй кечиши, шубҳасиз. Улар бундай пок-киза бир зиёратгоҳ, тинч-

лик ва барқарорлик тимсоли бўлиши Мустақиллик майдони озод ва обод Ватанимизнинг энг кўркем гўшаси эканлигини ҳам чин дилдан ҳис қиладилар.

Мустақиллик майдонига Президентимиз госяни, ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Эзгулик аркаси барпо қилинган. Унинг иккала томонида виқор билан бир оёқда турган лайлақлар юртимиз, бутун ўзбек халқининг тинчлиги, осуда ҳаётининг тимсолидир. Айтишларича, лайлақ агар ерда ҳеч қандай хатар сезмаса, бир оёқда бамайлихотир тураркан. Умуман, бош майдонимизга зеб бериб турган Эзгулик аркаси меъморлик санъатида ёрқин ва чуқур рамзий маънога эга асар сифатида нафақат юртдошларимиз, шу билан бирга, Ватанимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонларнинг ҳам хайрат ва олқишига сазовор бўлмоқда.

Мустақиллик майдони — чин маънода, тинчлик боғидир. Бу ердаги ҳар бир композициядан кўнгиллар хушнуд бўлади, диллар таскин топади, қувончга тўлади. Зеро, бундай гўзаллик осмони беғубор, одамлари ахил, турмуши фаровон юртга ярашади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.  
Ҳасан ПАЙДОЕВ  
олган суратлар.

## Хизмат

Қарши туманидаги "Шарофиддин Нурулло" масъулияти чекланган жамияти аъзолари йўловчиларга хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида ўн битта "Исузу" автобусини харид қилиб, икки йўналишда мунтазам қатновни йўлга қўйди.

## Ўқувчилар учун яна бир қўлайлик

Ушбу эзгу мақсад рўёби учун 800 миллион сўм ажратилди. Шу билан корхона тасарруфидаги автобуслар сони 51 тага етди.

Яна бир эътиборли жиҳати, янги ўқув йилидан бошлаб вилоятдаги академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари жамоат транспортларидан бепул фойдаланадиган бўлишди.

А. МУҲАММАДИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Глобал тармоқда энг долзарб мавзу

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам тантаналари интернетдан фойдаланувчиларни ҳам бефарқ қолдирмади.

## Ифтихор

Ҳап шундаки, 1 сентябрь куни жаҳондаги оммабон ижтимоий тармоқлардан бири — "Твиттер" саҳифаларида Истиқлолимиз шодиёнлари энг кўп тилга олинган мавзу бўлди. Буни маъмур тармоқда муҳокама қилинган мавзулар рўйхати ҳам яққол тасдиқлайди.

Унга кўра, "Твиттер" саҳифаларида #uzb21 маъсур белгиси (хэштеги) қисқа муддатда дунё трендлари учталигидан ўрин олган.

Эслатиб ўтамыз, бугунги кунда "Твиттер" микроблоглари тармоғининг аудиторияси 500 млн. фойдаланувчидан ошади.

Алишер ЭРҲАШЕВ.

**GRAND FLEX**

POLIETILEN PAKETLAR  
VAKUUMLI TERMOQOPLAMALI VA  
TERMOQOPLAMASIZ QADOQLAR

*Mahsulotingiz, ko'rkli  
bizning vazifamizdir!*

**O'ZI YELIMLANUVCHI  
ETIKETKALAR**

www.grandflex.uz  
Guvohnoma:102764

+998 71 270-06-76  
+998 90 996-06-76

## HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO.,LTD.



ПОСТАВКИ ИЗ КОРЕИ



ООО «GST OIL» —  
официальный дистрибьютор  
в Узбекистане

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Исик сув, 118.  
Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60.  
E-mail: gsthundai@gmail.com  
Web site: www.hhi.uz

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

## ОБ-ҲАВО

(5 сентябрь)

Корақалпоғистон Республикаси  
ва Хоразм вилоятида

+10 +15 +22 +27

Бухоро ва Навоий  
вилоятларида

+13 +18 +28 +33

Тошкент, Самарқанд, Жиззах  
ҳамда Сирдарё вилоятларида

+13 +18 +28 +33

Қашқадарё ва Сурхондарё  
вилоятларида

+14 +19 +29 +34

Андижон, Наманган ҳамда  
Фарғона вилоятларида

+13 +18 +27 +32

Тошкент  
шаҳрида

+13 +15 +28 +30

## Халқ сўзи Народное слово

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.  
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.  
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.15 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5